

Х.Холмўминов

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК

ўқув методик қўлланма

ТЕРМИЗ – 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Х.Холмўминов

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК

Термиз давлат университети ўқув методик бўлими томонидан тарих бакалаврият йўналиши талабалари ва касб-ҳунар коллежларининг тарих мутахассислиги ўқувчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

ТЕРМИЗ – 2011 йил

Такризчилар:

Турсунов С.Н.- тарих фанлари доктори, профессор.

Кичкилов Ҳ. - тарих фанлари номзоди, профессор.

Қобилов Э. - тарих фанлари номзоди, доцент.

Тарихий ўлкашунослик: Олий таълимнинг тарих бакалавриат йўналиши талабалари ва касб-хунар коллежлари тарих мутахассислиги ўқувчилари учун ўқув қўлланма. / **Х.Холмўминов.**

© ТермДУ

КИРИШ

Тарихий ўлкашунослик фанини ўқитилишининг аҳамияти.

Фанни ўқитишдан мақсад ва вазифалар. Фаннинг мақсади: Ўзбекистон тарихини, энг қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача бўлган босқичдаги ривожланиб бориши жараёнларини, муҳим ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга доир тафсилотларни талаба ёшларга тушунтириш орқали уларда мозийга ҳурмат, Ватан ва халққа мухаббат, истиқлол ғояларига садоқат, бугунги мустақил кунни қадрлаш билан боғлиқ тушунча ва туйғуларни шакллантиришдан иборат. Фаннинг вазифаси: Ватан ва халқимиз тарихини, унинг энг қадимги даврлардан то ҳозиргача бўлган давр давомида ривожланиб боришидаги энг муҳим жиҳатларни ёритишдан иборат. Тарихий ўлкашунослик асосий манбалари – археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экспонатлари орқали татқиқ этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишни энг долзарб масала сифатида эътироф этиб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди¹. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон тарихини ўрганиш, илмий таҳлил этиш учун археологик тадқиқотлар билан ёзма тарихий манбаларни қиёсий ўрганган ҳолда воқеа-ҳодисаларни таҳлил этишга алоҳида эътибор берилди. Чунки давлатнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, босқичма-босқич тараққий этишига оид тарихий манбаларни ўрганиш ва тарихий тараққиётни ёритиш асосида ватан тарихини мукаммал тарзда яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тарихидаги долзарб муаммолардан яна бири ҳисобланган моддий маданият ва этномаданий жараёнлар масаласида олиб борилаётган илмий тадқиқотларда мамлакатимиздаги халқларнинг этногенези ва этник тарихига оид хўжалик анъаналари моддий ва маънавий маданиятидаги ўзига хос хусусиятлар, диний эътиқодлар ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон тупроғи қадимий ва табаррук, шунинг учун ҳам халқимизнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, миллий хусусиятларни чуқур илмий асосли тарзда ўрганиш Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбек халқи этногенезиси ва этник тарихи, анъанавий турмуш тарзидаги анъаналарни тарихий-этнологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, этнографик материаллар асосида чуқур ва ҳар томонлама комплекс тарзда изчил ўрганиш бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда юз бераётган туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар тарихни чуқур ҳолисона тарзда ҳамда янгича тафаккур асосида-илмий тадқиқот этишни тақоза этмоқда. Президентимиз И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида таъкидлаганидек, «Мадомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 138-бет.

оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зурур» деган фикрлари айтилган ҳақиқатдир. Дарҳақиқат, Юртбошимиз тарихчилар олдида қўйган энг долзарб ва устувор вазифалар-миллий давлатчилигимиз тарихи билан боғлиқ масалаларни чуқур илмий тадқиқ этишни белгилаб берган эди¹. Талабалар билимига қўйиладиган талаблар:

1) талабалар ўлкамиз ва халқимиз тарихи, ҳаёти ҳақида, унинг тарихий обидалари, жой номлари-топонимикаси, шунингдек музейлари тўғрисида ҳаққоний билим-тасаввурга эга бўлишлари зарур;

2) талабалар ўлкамиз ва халқимизнинг бой тарихий ўтмиши ва бугунги ҳаётига оид бўлган зарур билимларни, маданий меросимизни ҳамда истиқлол давридаги бунёдкорлик ишлари ва унинг моҳиятини билишлари зарур;

3) талабалар ўлкамиз, халқимиз ўтмиши ва бугунги ҳаётини, маданият соҳасида эришилган ютуқларни ўрганиш асосида уларнинг моҳиятини англаб етиши, ўлкамиздаги машҳур тарихий обидаларни етарли шарҳлай олиши, буюк алломаларимиз ва улар қолдирган илмий-маданий мерос ҳамда юртимиз жой номлари-топонимикаси ҳақида эришилган билимлар асосида ўқувчиларга ўз тушунчаларини етказиб бера олиш тажрибаси ва савиясига эга бўлиши лозим;

4) ўлка ва халқ тарихи, ҳаёти оид материалларни топиш, йиғиш, ўрганиш кўникмасини эгаллаши;

5) ўлканинг табиатига, халқнинг моддий ва маънавий бойликларига эҳтиёткор, уларни асраш ва кўпайтиришга бурчли эканликларини англашлари;

6) ўлкани янада озод ва обод, халқимизни фаровон қилиши йўлида фаоллик намоён эта олиши, истиқболли режа ва дастурлар туза билиши лозим.

Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси. «Тарихий ўлкашунослик» фани Ўзбекистон тарихининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у археология, этнография, топонимика, архившунослик, музейшунослик, антропология, география каби фанлар билан ўзаро алоқадорлиги, уларсиз ўлкани мукамал ўрганиб бўлмаслиги.

Ўзбек халқи тарихи, ўзбек давлатчилиги тарихи, маданий ҳаётнинг ривожланиши, шаҳарлар тарихи ва ўлкашунослик тарихи билан узвий боғлиқдир. Сўнгги йилларда турли шаҳарлари юбилейлари муносабати билан ўтказилаётган махсус илмий тадқиқотлар ва олимларимизнинг хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорликдаги тадқиқотлари натижасида Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлигини исботламоқда. Бинобарин ушбу жараёнларни ўрганишда ҳамда ўқувчиларга етказишда тарихий ўлкашунослик фанининг ўрни жуда муҳим ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Ўзбекистон». 1998 й.

“Тарихий ўлкашунослик” фанидан маъруза мавзулари ва уларнинг қисқача тавсифи. (24-соат).

1-Мавзу: Ўлкашунослик ҳақида қисқача маълумот. (2-соат).

Тарихий ўлкашунослик фанининг вужудга келиши ва фаннинг ўрганиш объекти. Унинг асосий манбалари, Тадқиқот усуллари. Ўлкашунослик уч турга бўлиниши: 1) илмий, яъни давлат ўлкашунослиги; 2) жамоат ўлкашунослиги; 3) мактаб ўлкашунослиги. Ўлкашуносликнинг ҳар учала тури ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради.

Рус олими М. В. Ломоносов ўз ўлкасини мукаммал ўрганиш мақсадида 1761 йили 30 саволдан иборат жавоб варақаси тузиб, аҳоли ўртасида тарқатган эди. Айни вақтда бу билан ўлкашунослик фанига асос солинганди. Ўлкани ўрганиш масаласи Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида Россиядан анчагина кейинроқ, яъни Х1Х асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Рус олимлари Ўрта Осиёнинг чоризм тарафидан босиб олинишидан анча илгари бу ўлкани ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилган эдилар. Бироқ, Х1Х асрнинг биринчи ярмидаги ўлкани ўрганиш, яъни маҳаллий тарихчилик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги биқиқликка мос бўлиб, феодал тузум манфаатлари учун хизмат қилар эди. Тарих фанидан феодал синфининг манфаатлари, хонлар ва улар сулоласининг тахтга эгаллиги ва «одиллиги»ни мафкуравий жиҳатдан асослаш учун фойдаланиб келинди. Сарой тарихчилари ўзларининг асосий эътиборларини сиёсий воқеликларни хонларнинг фаолияти ва ўз рақиблари устидан қозонган ғалабаларини кўкларга кўтариб мақташ, саройдаги анъаналарни тасвирлашга қаратдилар. Чунки замон ўзи шунақа эди. Натижада бу давр тарихчилигининг мавзуи жаҳон тарихчилиги мавзусидан бир қадар ажралиб қолди.

2- Мавзу: 1917 йилгача ўлкани ўрганиш масаласи. (2-соат).

1917 йилгача ўлкани ўрганиш масаласи, тарих фанининг ҳукмрон синфлар мафаати учун хизмат қилиши. Ўлкани ўрганишда тарихий асарларнинг аҳамияти. Айни вақтда бу билан ўлкашунослик фанига асос солинганди. Ўлкани ўрганиш масаласи Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида Россиядан анчагина кейинроқ, яъни Х1Х асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Рус олимлари Ўрта Осиёнинг чоризм тарафидан босиб олинишидан анча илгари бу ўлкани ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилган эдилар. Бу давр тарихчилигининг мавзуи жаҳон тарихчилиги мавзусидан бир қадар ажралиб қолди. Х—ХV асрлардаги маҳаллий тарихчилар Муҳаммад Наршахий, Табарий, Рашидиддин, Низомиддин Жомий, Абулғозихон ва бошқаларнинг асарлари ўзининг мазмундорлиги, фактик материалга бойлиги билан бу даврда ёзилган тарихий асарлардан сезиларли даражада ажралиб туради. Шарқшунос А. А. Ромаскевич Рашидиддиннинг «Жоме ут-таворих» номли асари устида сўз юритар экан, ҳақли равишда бу асар ўзининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан муҳимлигини

кўрсатиб, биз бу асардан кейин Эрон тарихчилигида воқеаларни бу хилда баён қилиш учун бўлган интилишни кўрмаймиз, деб ёзган эди. Бу Ўрта Осиё тарихчилигига ҳам хос нарса эди. Шундай қилиб, XIX асрнинг биринчи ярмида тарих фани ҳам, бошқа фанлар сингари, ҳукмрон синфнинг манфаати учун хизмат қилди.

3- Мавзу: Рус шарқшуносларининг ўлкани ўрганишдаги фаолияти. (2-соат).

Рус босқини арафасида Ўрта Осиёда ўлкашуносликнинг аҳволи. Рус сайёҳлари. Рус ўлкашунослигининг Марказий Осиё илмий тафаккурига таъсири. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё чор аскарлари тарафидан босиб олинган, бу ерга рус олимлари келиб кўплаб тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шундай мураккаб ва оғир шароитда ҳам ўлкашунослар ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин баён этишга ҳаракат қилганлар. Ўрта Осиёга келган олимлар ўлкадаги илғор маҳаллий зиёлиларнинг намояндалари билан яқин алоқада бўлардилар. Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбалардан бири Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» (X аср) асари Н. С. Ликошин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1897 йилда нашр этилиши (В. В. Бартольд таҳрири остида) катта аҳамиятга эга бўлди.

Қадимги меъморчилик ёдгорликларидан асосан Самарқанд ёдгорликлари ўрганилди. 1895 йилда Н. И. Веселовский раҳбарлиги остида ва меъмор А. В. Шчусев ва бошқа мутахассислар иштирокида Император археология комиссияси Гўри Амирни меъморчилик, декоратсия нуктаи назаридан ўрганиш учун илмий сафар уюштирди. Бу илмий сафар ишларининг натижалари 1905 йилда ажойиб альбом ҳолида нашр этилди

4- Мавзу: Ўлкашуносликда археологиянинг ўрни. (4-соат).

Ўрта Осиёда археологиянинг ривож. Археологик тўғараклар. Маҳаллий археологлар. Археологик ёдгорликларни текшириш. Дунё халқларининг бир неча юз минг йиллардан бери давом этиб келаётган тарихи бор. Лекин шу узоқ тарихий тараққиётнинг энг кейинги 5 — 6 мингинчи йилларидан бошлабгина ёзма асарлар бўлиб, ундан аввал халқларда ёзув ва ёзма тарих бўлмаган.

Ёзув пайдо бўлгандан кейин ҳам кўпгина воқеалар ёзилмай қолган, подшоларнинг буйруқлари, рухонийларнинг диний таълимотлари, хазиначиларнинг ҳисоб-китоблари ҳамда турли урушлар ҳақидаги ёзма асарлар эса ўз замонасининг ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларини, халқнинг машаққатини етарлича акс эттирмаган. XX асрнинг 20-йилларигача Ўрта Осиёда археология мустақил фан даражасига кўтарилмади. Археологлар археология ёдгорликларини маълум тарихий босқичдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт натижаси деб баҳолай олмадилар, ишлаб чиқариш муносабатлари қандай бўлганини пайқай олмадилар, маданиятни ишлаб чиқариш тараққиёти ва ижтимоий муносабатлар маҳсули деб тушуна

олмадилар, балки уни биронта дин билан ёки бирорта «алоҳида иқтидорли шахслар» билан боғладилар. Сўнгра археология йўли билан топилган буюмларга фақат ёзма тарихни тасдиқловчи материал сифатидагина қараб, археологиянинг имкониятларини чегаралаб қўйдилар. Шунинг учун ҳам улар тарихнинг узоқ ўтмиш даврларини ўрганишга кириша олмадилар.

5- Мавзу: Ўлкашуносликда этнографик материаллардан фойдаланиш. (4-соат).

Этнографик материалларни тўплаш масалалари. Этнографик амалиётлар. Халқ оғзаки ижоди намуналари. Урф-одатлар. Мустақиллик даврида миллий кадриятларимизнинг кадр топиши ва эъзозланиши. Этнография дунё халқларининг маданиятини, маиший ҳаётини, келиб чиқиши (этногенези)ни жойлашиши (этник географияси)ни ва маданият тарихини, ўзаро алоқа ва муносабатларини ўрганувчи фандир. Натижада Сурхон воҳаси маданияти ва маънавий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар бўй чўза бошлади. 2009 йил 25 августда ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг Сурхон воҳасига келиб Термиз давлат университети янги биносини очилиши давридаги берган таклиф ва тавсиялари вилоятимиз иқтисодиётида янги ютуқлар ва ривожланиш имкониятларини очиб берди. Шунингдек, юртбошимизнинг Сурхондарё вилоятида мавжуд этнографик манбаларга алоҳида эътибор қаратиб, “Сурхондарё – этнографик макон” дея таъкидлаб ўтган эди. Мана шу хусусиятлари билан этнография фани бошқа тарихий фанлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Этнография тарихий фанлар, айниқса, археология, антропология, география ва тилшунослик билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари, у ёзма манбалар, географик ҳужжатлар, моддий ва маиший материаллардан ҳам фойдаланади. Жумладан мустақиллик йилларида этнография фанига эътибор алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Инсон ақл-заковати ва қўли билан яратилган ҳамма нарса маданият этнографиясидир. Маданият ҳам ўз навбатида иккига бўлинади. Транспорт, архитектура иншоотлари, кийим-кечак, зеб-зийнат, қурол-яроғ, меҳнат қуроллари ва шу кабилар моддий маданиятни ташкил этади. Инсоннинг илмий фаолияти билан яратилган санъат, адабиёт, ёзма манбалар, фан, фалсафа, оилавий ҳаёт, диний маросимлар, диний эътиқодлар ва шу кабилар маънавий маданиятга киради. Этнограф олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири — халқларнинг келиб чиқишини, улар ҳақидаги этнографияга оид маълумотларни тўплаш, йиғиш, умумлаштириш ва тадқиқ қилиш ҳамда шулар асосида илмий хулоса чиқаришдан иборатдир. Масалан, ўзбек халқининг келиб чиқиши ва халқ бўлиб шаклланиши жуда ҳам мураккаб жараёни бошидан кечирган. Кўп вақтлардан бери тадқиқотчилар орасида ўзбек халқининг келиб чиқиши тўғрисида ҳар хил, айрим ҳолларда чалкаш фикрлар ҳукм суриб келмоқда. Кўплаб тадқиқотчилар бу мураккаб ва чалкаш масалани очиб бериш устида иш олиб бормоқдалар.

6- Мавзу: Топономика ўлка тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири. (2-соат).

Топономика. Жой номлари. Гидронимлар. Шаҳарлар номларининг келиб чиқиши. Топонимик номлар таҳлили. Топонимика географик номлар, киши исмларини ўрганадиган фан сифатида майдонга келганлиги. Географик номлар ва замин қаърида ўрганилмаётган номлар, инсонларга қўйилган исмлар топонимиканинг ўрганиш манбаи ҳисобланади. Топонимика икки объектдан: микро ва макро топонимлардан иборат бўлиб, микротопонимика — грамматик жиҳатдан майда объектларни, яъни «турдош отларни», микро объектларнинг номларини, макротопонимика эса атоқли отлар, яъни йирик объектларнинг номларини тадқиқ қилади.

Ҳозирги вақтда топонимика фақат катта ва йирик объектларнинг: тоғлар, ўрмонлар, водийлар, воҳалар, шаҳарларнинг номларинигина эмас, балки кичик объектларнинг — маҳаллалар, даралар; жарликлар, анҳорлар, дарё ирмоқлари, ариқлар ва қўлларнинг номларини ўрганишга қаратилади. Географияга оид атамалар турдош отлар топонимика таркибига тўлиғича кирмайди, аммо улар топонимикани ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Топонимиканинг тилшунослик, тарих география, археология ва бошқа фанларга алоқадорлиги унинг муҳим хусусиятларидандир. Топонимикага оид маълумотлар тадқиқ қилинаётганда тарихий маълумотларга, айниқса археологияга оид текшириш натижаларига суянган ҳолда иш кўриш зарур.

7- мавзу: Ўлкашуносликда архившуносликнинг ўрни. (2-соат).

Архив ҳақида тушунча. Архив ҳужжатлари. Архив турлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Архив ҳужжатларини кидириб топиш, улар устида ишлаш ва олинган маълумотларни ҳаётга тадбиқ қилиш бу жуда мураккаб ишдир. Архивда ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, айрим шахсларнинг кўп йиллик фаолиятлари ҳақида маълумот ва ҳужжатлар сақланади. Архив ишларини ўрганиш мактаб ва Олий ўқув юртларида жонажон ватанимиз тарихидан ўқилаётган лекция ва семинар машғулотларида фактик материал бўлиб хизмат қилади ва мактаб ўлкашунослик музейини ташкил қилишда ёрдам беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон республикасида жуда кўп архивлар мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиш мумкин: муассаса архивлари ва давлат архивлари. Республикамиз ҳудудида фаолият курсатаётган марказий ва маҳаллий бошқарув органлари (вазирликлар, ҳокимиятлар ва бошқалар) турли ташкилотлар, корхона ва жамоат ташкилотлари ҳақида жорий архивлар мавжуд. Бундай архивлар муассаса архивлари деб аталади. Муассаса архивларида ҳужжатлар маълум муддат сақланади. Шу боисдан бу архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг таркиби ўзгариб туради. Белгиланган муддатдан сунг муассаса архивларидаги ҳужжатлар давлат архивлари фондларига топширилади. Муассаса архивларининг фаолияти, бу

архивларда сақланаётган ҳужжатларнинг давлат архивларига топшириш тартиби тегишли низомлар асосида амалга оширилади. Муассаса архивларида ҳужжатлар турли муддатлар давомида сақланади. Ҳужжатларнинг сақланиши мазкур муассасалар фаолияти билан боғлиқдир.

8- мавзу: Ўлкашуносликда музей экспонатларининг ўрни ва аҳамияти. (2-соат).

Музей ҳақида тушунча. Музейларни ташкил этиш. Музей турлари. Музей экспонатлари. Ўлкашунослик манбалари орасида ҳақиқий илмий ва маданий-маърифий муассасага айланиб қолган музейнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. У моддий ва маънавий маданият ёдгорликларининг асл нусхаларини, археология, этнография, томонимикага оид материалларни тўплайди, сақлайди ва илмий асосда ўрганиб таҳлил қилади, натижаларини эса экспозитсия сифатида оммалаштиради. Йиғилган ва музейда сақланаётган барча материаллар музейнинг илмий базасини ташкил этади ва унинг ижодий фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади. Мана шу манбалар асосида музейлар илмий тадқиқот ва илмий ҳамда маданий-маърифий таълим-тарбия ишларини олиб боради. Республикамиз ҳудудида уч турдаги музейлар мавжуд бўлиб, биринчи турдаги музейларга илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий ишларини олиб борадиган музейлар киради. Улар бир вақтнинг ўзида илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларни олиб боради. Иккинчи турдаги музейларга фақат бир соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борадиган музей лабораторияларига эга бўлган махсус музейлар (масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги бактериология ва минералогия музейи) киради ва ниҳоят, учинчи турдаги музейларга фақат ўқув туридаги музейлар киради. Бу музейнинг асосий мақсади ўқув жараёнини яхшилашдан иборат.

9- Мавзу: Мактаб ўлкашунослиги. Ўлкашунослик тўғараги. (2-соат).

Мактаб ўлкашунослиги иш режалари. Мактаб ўлкашунослигини ташкил этиш. Мактаб ўлкашунослиги турлари. Экскурсияларни ташкил этиш. Ўқув-тарбия ишларининг савиясини бугунги кун юксак талаблари даражасига кўтаришда ўлкашунослик тўғараги катта аҳамиятга эга. Тарихий ўлкашунослик тўғараклари ва музейларининг ўрта ва олий ўқув юртлари тарих факультетлари қошида ташкил этилиши ва бу ишга мактаб ўқитувчилар жамоаси, ёшлар ва ота-оналар қўмитаси ҳамда талабалар кенг жамоатчилигининг жалб қилиниши унинг ишларини яхши йўлга қўйишга ёрдам беради. Мактабда ўлкашунослик тўғарагини ташкил этиш ўқувчиларнинг ўз ўлкаларини чуқур ўрганишларига катта ёрдам беради.

Ўлкашунослик тўғарагини тузиш ва иш режалари. Тўғарак мақсадлари. Тўғаракни иш фаолияти. Тўғаракнинг вазифалари. Ўлкашунослик тўғарагини ташкил этишдан олдин ана шу муҳим ва мураккаб ишга раҳбарлик қила

оладиган, ўлкашунослик ишини чин кўнгилдан севадиган ва бу соҳада етарли билим ва малакага эга бўлган мутахассисдан раҳбар танлаш ва уни мактаб ўқитувчилар Кенгашида тасдиқлаб олиш зарур. Ўлкашунослик тўғррагининг бўлғуси раҳбари нималарни яхши билиши керак? энг аввало, у ўлкашунослик нима ва у нималарни ўрганади ва нимадан баҳс этади, ўлкашуносликнинг манбалари, объектлари қайсилар, 1917 йилгача ундан кейин ўлкашуносликнинг ривожланиш босқичлари, турлари, тарихий ўлкашуносликнинг илмий-назарий ва услубий асослари ва бошқаларни жуда яхши билган ва тушуниб олган бўлиши керак.

10- Мавзу: Сурхондарё вилоятининг тарихий ўлкашунослиги. (2-соат).

Сурхондарё вилоятининг тарихий ёдгорликлари. Вилоятнинг географик жойлашган ўрни. Тарихий ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи. Сурхондарё вилоятининг маъмурий ҳудудий бўлиниши.

Термиз Сурхондарё воҳасининг гўзал шаҳарларидан бири. Термиз ҳақидаги дастлабки маълумотлар Авестода, юнон-рим манбаларида, араб манбаларида қайд этилади. Авестода Термиз Тарамата, Тарамаша тарзида келтирилган бўлиб, “дарё соҳилидаги шаҳар” маъносини англатади. Жумладан 1933 йил 17 сентябрда Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи ташкил этилган. Шунингдек Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам тилга олинади. Термиз тарихи ва жой номлари тарихи келтирилган асарлар жумласига Термиз давлат университетида фаолият юритаётган бир қанча олимларнинг асарларини келтиришимиз мумкин. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганишда профессор С.Н.Турсунов томонидан тайёрланган “Сурхондарё тарих кўзгусида”, “Сурхондарё тарихи”, Т.Аннаев ва Ш.Шайдуллаевларнинг “Сурхондарё тарихи” номли илмий асарларида Сурхон воҳасининг қадимги даврлардан бошлаб то мустақиллик йилларигача бўлган тарихий даврлари илмий манбалар асосида ёритиб ўтилган. Мустақиллик йилларида Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари томонидан Сурхон воҳасининг ижтимоий-маданий тарихини ёритиш, шунингдек Сурхон воҳаси этнографиясини ўрганиш борасида ҳам кенг илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

“Тарихий ўлкашунослик” фанидан семинар машғулотлари ва уларнинг қисқача тавсифи. 32 соат.

1- Машғулот: Ўлкашунослик турлари. 2 соат.

Режа:

1. Давлат ўлкашунослиги.
2. Жамоат ўлкашунослиги.
3. Мактаб ўлкашунослиги.

Мавзу юзасидан назорат саволлари.

Ўлкашунослик турлари.

Мактаб ўлкашунослигини фанлар ўртасидаги алоқаси.

Давлат ўлкашунослиги нима?

Жамоат ўлкашунослиги нима?

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Тарихий ёдгорликлар, илмий ўлкашунослик, жамоат ўлкашунослиги, археологик ёдгорликлар, мактаб ўлкашунослиги, санъат ёдгорликлари, Туркистон халқ кутубхонаси, этнография, коллекция, топонимика, эпиграфист, нумизматика.

2- Машғулот: 1917 йилгача ўлкани ўрганиш масаласи. 2 соат.

РЕЖА:

1. 1917 йилгача ўлкани ўрганиш масаласи
2. Тарих фанини XIX аср биринчи ярмида хукмрон синфнинг манфаати учун хизмат килиши.
3. Мулла Ниёз Муҳаммаднинг «Тарихи шохрухий» асари

Мавзу бўйича назорат саволлари.

Рус олимларининг 1917 йилгача олиб борган илмий изланишлари ҳақида нимани биласиз?

Бухоро Сарой тарихчиси Муҳаммад Ёқуб «Гулшан ул мулук» асари ҳақида гапириб беринг?

Наршахийнинг « Бухоро тарихи» асари ҳақида гапириб беринг?

Мавзу бўйича таянч иборалар.

1. Сулола, генеология, манғит, рус олимлари, «Гулшан ул мулук», Аштархонийлар, «Тарихи шохрухий», хукмрон синф, хукмрон синфнинг манфаати Бухоро Сарой тарихчиси.

3— Машғулот: Ўлкани ўрганишда рус шарқшуносларининг роли. 2 соат.

Режа:

1. Ўлкани тарихини ўрганишда рус шарқшуносларининг роли.
 2. Рус шарқшунослигининг маҳаллий тарихчилигига таъсири.
 3. Ўлка тарихини ёритишда рус шарқ шунос олимларининг тадқиқотлари
- Мавзу бўйича назорат саволлари.

Рус шарқшунослигининг маҳаллий тарихчилигига таъсири қандай бўлган?
Ўлкани ўрганишда рус шарқшуносларининг ўрни ҳақида гапириб беринг?
М. Наршахийнинг Бухоро тарихи асари (таржима Н.С. Ликошин) ҳақида нимани биласиз?
В.В. Бартольднинг ўлка тарихини ўрганишдаги роли ҳақида гапириб беринг?.

Мавзу бўйича таянч иборалар

1. Коллекция, ўлкани ўрганиш, альбом, рус географи, зоолог сайёҳ, шарқшунос, ўлкани ўрганишда рус шарқшуносларининг роли.

4- Машғулот: Ўлкашуносликда археологиянинг роли. 2 соат.

Режа

- 1 Рус шарқшунослиги ва археология .
- 2 Ўзбекистонда археология.
- А) Ибтидоий жамоа даври
- Б) кулдорчилик жамияти.
- В) Феодализм даври.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

1. Археологии қандай фан ва уни ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти?
2. Археология деганда нимани тушунаси?
3. Археология фани қандай ривожланиш босқичларига эга?
4. Сурхондарё воҳасидаги ибтидоий жамоага оид қандай археологик ёдгорликларни биласиз?
5. Ўзбекистонда археология фанини ривожланишига хисса қўшган олимлар кимлар?
6. Бронза даврига оид булган ёдгорликларни аниқланг.
7. Профессор С.П.Толстов бошлик Хоразм археологик экспедициясининг фаолиятига баҳо беринг.
8. Тешиктош ғорининг муҳим хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
9. Ўзбекистондаги неолит даври қолдиқлари ва уларнинг ўлкашуносликдаги аҳамияти?
10. Ўзингиз яшаётган ҳудудда археологик ёдгорликлар борми? Бор бўлса улар ҳақида маълумот беринг.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Археология, афросиёб, ибтидоий жамоа тузуми, мезолит, неолит, ибтидоий, мустье, питекантроп, синантоп, гейделберг, неандерталь, наус чоппер, неолит инкилоби, оссуарий, кадиварлар, она уруғи даври, дехкон, ота уруғи даври,

5— Машғулот. Ўлкашуносликда археологик материаллардан фойдаланиш. 2 соат.

Режа:

1. Ўлкашуносликда археологик материаллардан фойдаланиш.
2. Талабаларни археологияга оид материаллар тўплашга ўргатиш.
3. Ибтидоий жамоа тузими мавзусини ўрганишда археологияга оид материаллардан фойдаланиш.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

Археология қандай фан ва уни ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти?

Археология деганда нимани тушунасиш?

Археология фани қандай ривожланиш босқичларига эга?

Ўзбекистонда ибтидоий жамоага оид қандай археологик ёдгорликларни биласиз?

Ўзбекистонда археология фанини ривожланишига хисса қўшган олимлар кимлар?

Ўрта Осиё археологларидан кимларни биласиз?

Ашель даврига оид бўлган ёдгорликларни аниқланг.

Профессор С. П. Тослтов бошлик Хоразм археологик экспедициясининг фаолиятига баҳо беринг.

Тешиктош гори топилдиклари ҳақида гапириб беринг.

Ўзбекистондаги неолит даври топилдиклари ва уларнинг ўлкашуносликдаги аҳамияти?

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Археология, Афросиёб, ибидоий жамоа тузуми, палеолит, мезолит, неолит, энеолит, ибтидоий, ашель, шель, мустье, питекантроп, синантроп, гейделберг, неандерталь, неолит инқилоби, она уруғи даври, наус, оссуарий, дехқон, чоппер, кадиварлар, ота уруғи даври.

6- Машғулот: Ўлкашуносликда этнографиянинг аҳамияти. 2 соат.

Режа:

1. Этнографияга оид дастлабки маълумотлар.
2. Этнографик манбаларни ақс эттирилиши
3. XIV-XVI асрларда маданиятнинг ривожланиши мавзусини ўтишда этнографияга оид маълумотлардан фойдаланиш услублари.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

Этнография нимани ўрганади?

Ўзбек номини келиб чиқиш ҳақида нималарни биласиз?

Қадимги этнографик маълумотлар қайси асарларда учрайди?

VII-VIII асрларда туркий аҳоли қайси ҳудудларда истиқомат қилганлар?
 Сурхон воҳасида ҳунармандчиликни ривожланиши
 Суғдларнинг савда ҳунармандчилик манзиллари қаерларда жойлашган эди?
 Махмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит-турк» асарининг этнографик аҳамияти?
 Ўзбек халқининг авлод аجدодлари тўғрисидаги маълумотлар қайси қадимги манбаларда учрайди?
 IХ-II аср муаллифларидан қайсилари этнографик маълумотлар беради?
 Херман Вамбери, Плано Карпини ва Марко Пололар қандай этнографик маълумотлар беради?
 А. Темур ва темурийлар даврида қандай этнографик асарлар яратилди?
 XVI асрдаги ўзбекларнинг этник таркиби жойлашган ҳудуди ва урф-одатлари ҳақида қайси асарлар қимматли маълумот беради?
 XIX асрнинг ярмида Ўрта Осиё халқларини ўрганишдаги рус олимларининг фаолияти?

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Этнография, Қанғли – қипчок, этнология, нукус-манғит, санъат, фольклор, этник ва оилавий тузум, лексикограф, этногенез, дипломатик миссия, антропология, Фарғона этнографик экспедиция, чигил қабилалари, қиёт-қўнғирот, “Худуд ул-олам”.

7- Машғулот: Ўзбек этнографияси. 2 соат.

Режа:

1. Этнография ҳақида қисқача маълумот.
2. Ўзбек халқлари тўғрисида дастлабки маълумотлар.
3. Ўрта асрлар даври тарихи этнографик маълумотлари.
4. XVII- XX асрлар маданиятини ўрганишда этнографиянинг роли.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

Херман Вамберининг ўзбек халқи этнографиясиги оид маълумотлари?
 XVII-XIX аср маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асарларда этнографик лавҳаларни яратилиши.
 1930 йиллардаги Ўрта Осиё халқларининг этнографиясининг ўрганилиши?
 Ўзбек халқи этнографиясини ўрганган рус олимлардан кимларни биласиз?
 Ўзбек халқи этнографиясини ўрганган ўзбек олимлардан кимларни биласиз?
 Мустақиллигимиз қўлга киритилгандан сўнг ўзбек этнографиясининг қўлга киритилиган ютуқлари нималардан иборат?
 Қишлоғингиз ёки шаҳрингиз аҳолисининг турмуш тарзи ва урф-одатлари ҳақида гапиринг.
 Тарих фани ўқитувчилари этнографияни ўрганишда нималарга эътибор бериш керак?

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Антропология, Фарғона этнографик экспедития, Чигил қабилалари, Қиёт-қўнғирот, “Худуд ул-олам”, “Девони луғотит турк”, Археология, Антропология, География, Тилшунослик.

8- Машғулот: Топономика ўлка тарихини ўрганишнинг асосий манбаси. 2 соат.

Режа:

1. Топономика тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ўзбекистон топономикаси ҳақида маълумот.
3. Ўлка тарихини ўрганишда топономик материаллар тўплаш ва улардан фойдаланиш.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

1. Топономика тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ўзбекистон топономикаси ҳақида маълумот.
3. Ўлка тарихини ўрганишда топономик материаллар тўплаш ва улардан фойдаланиш.
4. Ҳозирги вақтда топономика фанинг ютуқлари нималардаи иборат?
6. Самарқанд шаҳри топономикаси ҳақида нималарни биласиз?
7. Термиз шаҳри топономикаси ҳақида нималарни биласиз?
8. Ўзбек уруғлари номлари билан аталадиган жойларни аниқланг.
10. Ўзингиз яшаётган қишлоқ ёки туман худудидаги топономик номлар ҳақида маълумот беринг.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Топономика, Микро топономика, Объект, Ном, Этнография, Этимологик, Объект, Макро топономика.

9- Машғулот: Фарғона ва Зарафшон водийси топономикаси. 2 соат.

Режа:

1. Фарғона ва Зарафшон водийси топономикаси.
2. Фарғона ва Зарафшон вилояти 1917 йилгача рус шарқшунослари томонидан ўрганилиши.
3. Зарафшон меъморий ёдгорликлари.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

Марғилон шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
Фарғона шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
Қўқон шаҳри топонимикаси ҳақида нималарни биласиз?
Ўзбек уруғлари номлари билан аталадиган жойларни аниқланг.

Октепа термини қайси сўз билан бевосита алоқадор?

Ўингиз яшаётган қишлоқ, туман ҳудудидаги топонимик номлар ҳақида маълумот беринг.

Фарғона водийсидаги жой номлари билан боғлиқ бўлган аҳоли пунктларига мисоллар келтирин.

Фарғона ва Зарафшон вилояти 1917 йилгача рус шарқшунослари ўлкани ўрганилиши роли.

Фарғона номининг топономикаси.

«Бобурнома»да Фарғона вилоятини тасвирланиши.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Парфия, Суғд, Тешиктош, Фергантроп, Марғилон шаҳри топонимикаси, Фарғона шаҳри топонимикаси, Қўқон шаҳри топонимикаси, Фарғона водийсидаги жой номлари, Фарғона номини маъноси, «Бобурнома».

10- Машғулот: Ўлкашуносликда архившуносликнинг ўрни. 2 соат.

Режа:

1. Ўлкашуносликни ривожлантиришда архившуносликнинг ўрни марказий давлат архиви.
2. Муассаса ва давлат архивлари.
3. Ўзбекистон марказий архиви.

Мавзу бўйича назорат саволлари.

Ўлкашуносликни ривожлантиришда архившуносликнинг ўрни қандай?

Муассаса архивлари деганда қандай архивлари тушунаси?

Давлат архивларида қандай ҳужжатлар сақланади?

УзРМДА қачон ташкил топган?

Ҳужжатларни сақлаш қандай тартибда амалга оширилади?

Архивда қандай ҳужжатлар сақланади?

Архив ишларини ўрганиш қандай аҳамиятга эга?

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган архивлар ҳақида маълумот беринг.

Архивларни шартли равишда нечта гуруҳга бўлиш мумкин?

Сурхондарё вилояти Давлат архиви фаолияти ҳақида гапиринг.

Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва медитцина ҳужжатлари Марказий Давлат Архив қачон ташкил этилган?

Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари Марказий Давлат Архиви қачон ташкил этилган?

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Архившунослик, Муассаса архивлари, Давлат Архивлари, Фонд, Булим, Акт, Ўлкашуносликни ривожлантиришда архившуносликнинг ўрни, Ўзбекистон марказий, давлат архиви, Муассаса ва давлат архивлари.

11- Машғулот: Ўлкашуносликда музей экспонатларнинг ўрни. 2 соат.

Режа:

1. Музейларнинг ташкил топиши тарихи.
2. Музей турлари.
3. М.Т.Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи.
4. Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи тарихи.

Мавзу бўйича саволлари.

Музейларнинг вазифаси нимадан иборат?

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи қачон ташкил топди?

Музей типлари қандай сохаларга бўлинади?

Музей экспонатларининг ўлка тарихини ўрганишдаги ўрни ва ролини кўрсатиб беринг.

Ўзбекистон Давлат санъат музейида қандай санъат асарлари сақланади?

